

ДЕХҚОНЧИЛИКДА СУВ РЕСУРСЛАРИ ЕТИШМАСЛИГИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Турсунов Абдулла Бахром ўғли

Ахборот технологиялари ва менежмент университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21387959>

Аннотация: Ушбу мақолада деҳқончилик соҳасида сув ресурсларининг етишмаслиги муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва жамият ҳаётига кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий таъсири таҳлил қилинади. Иқлим ўзгариши, сувдан самарасиз фойдаланиш, эскирган суғориш тизимлари ва демографик ўсиш сув танқислигининг асосий омиллари сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, сув ресурсларини тежаш, замонавий суғориш технологияларини жорий этиш ва сув бошқарувини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: Деҳқончилик, сув ресурслари, сув танқислиги, суғориш тизими, иқлим ўзгариши, қишлоқ хўжалиги, томчилатиб суғориш.

Кириш: Сув – инсон ҳаётининг асосий манбаи, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонда сув ресурсларининг асосий қисми Амударё ва Сирдарё дарёлари, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувларидан иборат. Мамлакатдаги умумий сув оқими 116 миллиард куб метрни ташкил қилса-да, сув тақсмоти ва ундан фойдаланишда жиддий муаммолар мавжуд. Жумладан, умумий сув истеъмолининг 90–91 фоизини асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига йўналтирилганлиги, мавжуд ирригация тизимининг эскириши, сув тежаш технологияларининг паст даражада жорий қилиниши, иқлим ўзгариши ва трансчегаравий сув тақсмоти муаммолари сув ресурсларидан самарали фойдаланишни чеклаётган асосий омиллардир.

Бугунги кунда суғориш тизимида йўқотишлар 35–40 фоизни ташкил этаётгани мамлакатдаги сув танқислигини янада кучайтирмоқда. Қолаверса, ирригация тармоқларининг 77 фоизи таъмирлаш ва реконструкция қилишга муҳтож, насос станцияларининг аксарияти эскирган бўлиб, улардаги энергия истеъмоли кескин ошган. Шунингдек, глобал иқлим ўзгариши ва Марказий Осиёдаги музликларнинг тез эриш жараёни сув ресурслари камайишига олиб келмоқда. Илмий прогнозларга кўра, 2050 йилга келиб Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизга, Амударё ҳавзасида эса 15 фоизгача қисқариши кутилмоқда. Агар сув истеъмоли ва тақсмоти самарали бошқарилмаса, 2030 йилга бориб мамлакатда сув танқислиги 7 миллиард куб метрга, 2050 йилда эса 15 миллиард куб метрга етиши мумкин.¹

Деҳқончилик инсоният тараққиётининг энг қадимий ва муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг барқарор ривожини беvosита сув ресурсларига боғлиқ. Айниқса, қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларда

¹ Avazbek XOLBEKOV,
“Taraqqiyot strategiyasi” markazi bo‘lim boshlig‘i 2025-yil 24 fevral

сув етишмаслиги деҳқончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бугунги кунда сув ресурсларининг чекланганлиги глобал муаммо сифатида эътироф этилмоқда².

Деҳқончиликда сув танқислигининг юзага келишида бир қатор омиллар муҳим роль ўйнайди. Биринчидан, иқлим ўзгариши натижасида ёғингарчилик миқдорининг камайиши ва ҳароратнинг ошиши сув буғланишини кучайтирмоқда. Иккинчидан, суғориш тизимларининг эскирганлиги ва сувдан ноўрин фойдаланиш сувнинг катта қисмининг йўқотилишига сабаб бўлмоқда³. Учинчидан, аҳоли сонининг кўпайиши сувга бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

Сув ресурслари етишмаслиги экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига, ерларнинг шўрланишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг ошишига олиб келади⁴. Натижада деҳқонларнинг даромади камаяди, озиқ-овқат хавфсизлиги таҳдид остида қолади. Бу ҳолат ижтимоий барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур муаммони бартараф этишда сувни тежовчи технологиялар, хусусан, томчилатиб суғориш ва ёмғирлатиб суғориш усулларини кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга⁵. Шунингдек, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, фермерларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш ва илмий ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш зарур.

2023 йил ҳосили учун маҳаллий шароитга мос, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, сувсизликка чидамли пахтанинг 4 та, бошоқли доннинг 6 та нави амалиётга жорий этилади.⁵

Жорий йилда вилоятда 28,1 минг гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларига сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинган. Ушбу лойиҳаларнинг тўлиғича амалга оширилиши ҳисобига вилоятда қўшимча 196 млн м³/сек. сув иқтисод қилинади. Бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттириляпти, — дейди ҳавза бошқармаси бошлиғи.

Сувдан тежамкор фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати агротехник тадбирларни жорий қилиш бўлса, иккинчи жиҳати тупроқ ўзанли каналларни бетонлаштириш ва улардаги сув тўсувчи иншоотларни замонавийлаштириш мақсадида муҳим қадамлар ташланганидир. Бунинг натижасида вилоятдаги мавжуд фермер, агрокластерлар ҳудудидан ўтган 5423 км ички суғориш тизимидан 1505 км бетонлаштирилди ва таъмирлаб тикланди. Қолган қисмини бетонлаштириш бўйича ишлар олиб бориляпти. Бу

2 Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

3 Қодиров А.Х. Суғориш тизимлари ва уларнинг самарадорлиги. — Тошкент: Фан, 2015.

4 Абдуллаев С.С. Сув тежовчи технологиялар ва уларнинг аҳамияти. — Тошкент: Қишлоқ хўжалиги нашриёти, 2020.

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5853-сонли Фармони.

эса суғориш самарадорлигини оширишга, сув ресурсларини тежашга ёрдам беради.⁶

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда, деҳқончиликда сув ресурслари етишмаслиги жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, уни ҳал этиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Сувдан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва давлат сиёсатини кучайтириш орқали ушбу муаммони юмшатиш мумкин.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Avazbek XOLBEKOV, “Taraqqiyot strategiyasi” markazi bo‘lim boshlig‘i 2025-yil 24 fevral
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Қодиров А.Х. Суғориш тизимлари ва уларнинг самарадорлиги. — Тошкент: Фан, 2015 й.
4. Абдуллаев С.С. Сув тежовчи технологиялар ва уларнинг аҳамияти. — Тошкент: Қишлоқ хўжалиги нашриёти, 2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш.
6. G‘ulom Primov, O‘zA muxbiri 2025 yil 5 aprel. uza.uz

⁶ G‘ulom Primov, O‘zA muxbiri 2025 yil 5 aprel
uza.uz